

## ЭЪЛОН

### **“O’zsanoateksport” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида**

“O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг 2022 йил якунлари бўйича навбатдаги йиллик йиғилиши 2023 йилнинг 26 июн куни соат “16:00” да Жамият жойлашган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уйда куйидаги кун тартиби билан ўтказилиши хабар беради.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти - соат 15-30.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши бошланиши вақти - соат 16-00.

#### **Кун тартиби:**

- “O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖ акциядорларини навбатдаги умумий йиғилишининг саноқ комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖ Бошқарув раисининг Жамият 2022 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича “Nazorat-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиш;

- “O’zsanoateksport” АЖнинг 2022 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖда 2022 йил учун корпоратив бошқарув тизими баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

- “O’zsanoateksport” АЖнинг 2022 йил учун соф фойдасини тақсимлаш, дивидентлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖ Бошқарув раиси, Директорлар ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини кўриб чиқиш ва тузиш;

- “O’zsanoateksport” АЖнинг 2023 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш;

- Жамият балансидаги мавжуд тўлиқ эскириш ҳисобланган, жисмонан ва манан эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида;

- “O’zsanoateksport” Акциядорлик жамиятига “Uzprommashimpeks” АЖ ва “Markazsanoateksport” АЖлари қўшилиши натижасида ҳосил бўлган зарарларни камайтириш тўғрисида;

- “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларни 2022 йил якунлари бўйича мукофотлаш;

- “O’zsanoateksport” АЖ ижроия органи аъзоларни 2022 йил якунлари бўйича мукофотлаш;

**Акциядорлар рўйхатини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилган эмитент органи “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши.**

- акциядорларнинг умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун, акциядорларнинг рўйхатини тузиш санаси 2023 йил 5 июн этиб белгиланган;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар рўйхатини 2023 йил 24 июн этиб белгиланган;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашишга рўйхатдан ўтиш ва унда иштирок этиш учун акциядорларни шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт/ ID карта), акциядор вакиллари эса - ишончнома (жисмоний шахслар учун - нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун - ушбу юридик шахс томонидан берилган), Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши материаллари билан танишиш учун Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй, 328-хона, тел: (71) 209-48-48 (ички.1010) “O’zsanoateksport” АЖга мурожат қилишингиз мумкин.